



◆ Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева мамлакатимизда амалий ташириф билан бўлиб турган Эрон Ислом Республикаси вице-президенти Энсийе Хазалий билан учрашди.



◆ Ҳукумат қарори билан автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишга рухсатномаларни айирбошлаш квотасини белгилаш, тақсимлаш, бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом қабул қилинди.



◆ Олий таълим, фан ва инновациялар вазири Иброҳим Абдурахмонов Япониянинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Такаши Хатори, Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Бито Ёшибуми бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



◆ Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчихонаси ходимларининг Болгарияга сафари давомида Несебр шаҳар мэриясида икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамда туризм соҳасидаги алоқаларни ривожлантиришга бағишланган тадбир ташкил этилди, деб хабар бермоқда «Дунё».

Болгар томони меҳнат миграцияси соҳасида ва Ўзбекистоннинг нуфузли университетлари билан доимий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишга тайёрглигини маълум қилди.



◆ Жаҳон банки Ўзбекистонга «Ўзбекистоннинг энергетика соҳасини трансформация қилиш учун инновацион углевод ресурслари» лойиҳаси доирасида 46 миллион 250 минг долларлик грант маблағларини тақдим қилмоқда. Бу ҳақда Жаҳон банки ахборот хизмати маълум қилди. Хабарда қайд этилишича, мазкур маблағлар энергия субсидияларини ислох қилиш доирасидаги чора-тадбирларни рағбатлантириш учун ишлатилади.



◆ Жорий йилнинг 3-4 июль кунлари онлайн тарзда Халқаро математика мусобақаси (IMC-2023) бўлиб ўтди. Мазкур олимпиадада 35 давлатдан жами 640 нафар ўқувчи иштирок этиб, ўз билиминини синовдан ўтказди. Синовларда бухоролик ўқувчилар ҳам фаол қатнашди. Натижаларга кўра, Олот тумани ихтисослаштирилган мактабининг 10-синф ўқувчиси Нурулхаммад Отамурадов ҳамда Қорақўл тумани ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 10-синф ўқувчилари Азамат Икромов ва Юсуфжон Ортиқовлар яқалик баҳсларида бронза, жамоавий ҳисобда олтин медални қўлга киритди.

# Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lda birlashaylik!

2023-yil  
8-iyul  
shanba  
№ 83 (4835)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси nashri • Gazeta – 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan



Ёзги соғломлаштириш

Қашқадарё  
вилояти

«Толимаржон иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамияти тасарруфидаги «Соҳибқирон» оромгоҳи Яккабўғ туманидаги энг баҳаво табиат бағрида жойлашган. Масканда корхона ишчи-ходимларининг фарзандлари ҳамда Нишон туманидаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган эҳтиёжманд оилалар ўғил-қизлари соғломлаштирилмоқда.

## БАҲАВО ТАБИАТ БАҒРИДА

– Ҳар йили бу ерга дам олишга келаман, – дейди Нурсайд Менглиматов. – Йилдан йилга шароитлар яхшиланиб борапти. Ўтаётган тадбирларда фаол қатнашялман. Айниқса, эртақ қаҳрамонлари иштирокидаги кўнгилочар тадбирлар менга манзур бўлаётди.

«Спортни сев, спорт билан яша!» шиори остидаги шахмат-шашка, стол тенниси, волейбол, футбол мусобақалари якунида фаол иштирокчилар, ғолиблар тақдирлаб бориляпти.

Дарҳақиқат, сўлим гўшадаги кунлар бир-бирини такрорламайди. Қўғирчоқ театри томошалари, кувноқ цирк дастурлари, дилтортар муסיқий

оқшомлар болажонларга унутилмас таассуротлар улашяпти. Бугина эмас, ўғил-қизлар рассомчилик, инглиз тили тўғралаклариди ўз билим ва кўникмаларини ошириш имконига эга бўлишяпти.

«Ёш китобхон», «Мен севган асар» кўрик-танловлари эса дам олувчиларнинг интеллектуал салоҳияти ошишига улуш қўшмоқда.

Жорий йилда оромгоҳда 1000 нафар ўғил-қизини дам олириш режалаштирилган бўлиб, ортда қолган икки оқимда 500 нафар бола мириқиб ҳордиқ чиқарди.

Акмал АБДИЕВ  
«ISHONCH»

Сурхондарё  
вилояти

## Ҳайратлар маскани

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши ташаббуси билан жорий йилнинг март ва июнь ойларида 877 нафар сурхондарёликнинг Хоразм диёрига саёҳати уюштирилди.

– «Аёллар дафтари»да рўйхатда турман, – дейди термизлик Меҳваш Худойбердиева. – Касаба уюшмаларининг қўллаб-қувватлаши билан Хоразмга бориб келдим. Гўзал манзаралар ва бунёдкорлик ишлари ҳайратимни оширди.

Бу каби саёҳатларни йил давомида амалга ошириш режалаштирилган.

Рўстам ДАВЛАТОВ  
«ISHONCH»



Ички туризм

Фарғона  
вилояти

## Ходим фойдасига салкам 32 миллион сўм ундириладиган бўлди

Қува тумани тиббиёт бирлашмаси ҳисобчиси Шоҳсултон Зокиров навбатдаги меҳнат таътилидан қайтганида тиббиёт бирлашмасига янги раҳбар тайинланган эди.

Меҳнат таътилидан қайтган ходимни негадир янги раҳбар унчалик хушламади. Орқаваротдан энди бошқа ишга келмаслигини, бу ерда унга иш йўқлигини айтди.

Ҳеч қандай буйруқ чиқарилмасдан ишдан ҳайдалганини эшитган ходим тиббиёт бирлашмаси раҳбари Н.Мирзаматовни ёнига киради. Аммо раҳбар уни тинглаб ҳам ўтирмайди.

Танг аҳволда қолган Ш.Зокиров адолат қарор топиши, меҳнатга оид бузилган ҳуқуқларини тиклашда амалий ёрдам сўраб Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилади.

Ўрганиш давомида мурожаатчи Ш.Зокиров Қува тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбари Н.Мирзаматов томонидан қо-

нунга зид равишда ишга қўйилмаганлиги ўз тасдиғини топади.

Мазкур ҳолат судда кўриб чиқилиб, Қува тумани тиббиёт бирлашмаси ҳисобчиси Шоҳсултон Зокиров фойдасига мажбурий проғул кунлари учун 26 миллион 628 минг сўм, маънавий зарар учун 5 миллион 305 минг сўм ундириш белгиланди.

Зафаржон ҚУРБОНОВ,  
Соғлиқни сақлаш ходимлари  
касаба уюшмаси Республика  
кенгашининг Фарғона вилояти  
бўйича меҳнат-ҳуқуқ  
инспектори

Касаба уюшма аралашгач...

Гулчеҳра Каримова бир неча йиллардан буён Жиззах вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг бош ҳамшираси вазифасида ишлаб келарди.

Бироқ 2022 йилнинг 30 апрелида иш берувчининг буйруғи билан вақтинчалик оддий ҳамшираликка ўтказилди. Ажабланирлиси, унга бошқа вазифага ўтказилгани тўғрисидаги буйруқ нусхаси ҳам тақдим этилмаган. Шунингдек, иш берувчининг буйруғига Меҳнат кодексининг 92-моддаси асос қилинган бўлса-да, ходимнинг аризаси

## Асоссиз буйруқ бекор қилинди

мавжуд эмас.

Г.Каримованинг юзага келган ҳолатдан норози бўлиб, бош шифокорга қилган мурожаатлари самара бермагач, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Жиззах вилояти кенгашига ўз лавозимига тиклаш бўйича мурожаат қилди.

Саъй-ҳаракатлар ўз ижобатини топди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгашининг Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига қиритилган даъво аризаси бўйича

мазкур суднинг 2023 йил 16 июнь кунги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаби қаноатлантирилди. Иш берувчининг 2022 йил 30 апрелдаги «Бошқа вазифага ўтказиш тўғрисида»ги 45-сонли буйруғи бекор қилиниб, Г.Каримовани шифохона бош ҳамшираси вазифасига ўтказиш борасида иш берувчига нисбатан мажбурият юкланди.

Мелитожи ЯКУБОВ,  
Соғлиқни сақлаш ходимлари  
касаба уюшмасининг Жиззах  
вилояти кенгаши раиси



ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР  
ДОНА СУРИШДИ

Бухоро вилояти

Темирийўлчилар ўртасида спортнинг шахмат турини оммалаштириш мақсадида «Бухоро минтақавий темир йўл узели» унитар корхонаси раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида «Шахмат – 2023» мусобақаси ташкил этилди.

Мусобақа

Етти босқичдан иборат бўлган ушбу турнирда биринчи ўринни Самарқанд алоқа ва ишорат масофаси корхонаси нафақахўри Неъмат Баратов қўлга киритди. Иккинчи ўрин соҳиби «Бухоро МТУ» унитар корхонасининг «Улугбек-Сангзор» темирийўл участкаси ҳаракат хавфсизлиги нозир Умаржон Раҳмонов бўлди. Учинчи ўринни эса Бухоро вагон депоси техник назорат бўлими катта устаси Уйғун Фузаилов эгаллади. Қўтаринки руҳда ўтган турнирда барча иштирокчиларга «Бухоро минтақавий темирийўл узели» УҚ раҳбарияти ва ҳудудий касаба уюшма қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

Насиба БОБОМУРОВА

Хоразм вилояти

Янги Ўзбекистон ёшлари – соғлом ҳаёт тарафдори

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси томонидан «Янги Ўзбекистон ёшлари – соғлом ҳаёт тарафдори» шиори остида ёш ходимлар спартакиадаси ташкил этилди.



арқон тортиш бўйича ўзаро беллашдилар. – Ушбу мусобақада учинчи бор иштирок этишим, – дейди Умид Каримов. – Ўтган йили сузиш бўйича қатнашгандим. Бу йил стритболда ўзимни синаб кўрдим. Йилдан йилга кучли рақибларга дуч келяпмиз. Бу спартакиаданинг нуфузи ошиб бораётганидан ва ёш ходимлар орасида спортга иштиёқ баландлигидан далолатдир. Хонқалик Райхон Юсупова ҳам мусобақаларга пухта тайёрдан зиёд ёшлар стол тенниси, стритбол, волейбол, футбол, дошлари билан волейбол баҳсларида учинчи ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлди. – Мактабимизда спорт билан шуғулланишимиз учун барча шароитлар яратилган, – дейди у. – Ишдан бўш вақтларимизда волейбол, баскетбол ўйнаймиз. Касаба уюшмалари уюштирадиган мусобақаларда бажонидил иштирок этамиз. Ушбу ташкилот биз ёшларга алоҳида эътибор қаратиб келади. Маънавий тадбирларда, саёҳатларда ҳам ҳамкасбларим фаол қатнашади. – Кейинги йилларда мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар то-

Мўҳаббат Тўрабоева «ISHONCH»

Қашқадарё вилояти

Қарши шаҳрида кексалар ва ногиронлиги бор шахсларни соғломлаштирувчи «Қарши» минтақавий санаторийсининг иш бошлаганига тўрт йил бўлди. Биз 75 ўринга мўлжалланган дам олиш масканида бўлиб, ҳордиқ чиқараётган отахон ва онахонлар билан суҳбатлашдик.

Сиҳатгоҳларда

НУРОНИЙЛАР  
ДУОДА

– Қарши туманиданман, – дейди 67 ёшли Чўян бобо Эшқувватов. – Бир умр хўжалиқда ишладим. Кексайганда бошим оғрийдиган бўлиб қолди. Давлат хизматлари марказига ариза ташлагандим. Шу масканга йўланма беришди. Бу ерга келганимга тўрт кун бўлди. Қисқа фурсатда бошимдаги оғриқлар чекинди. Бу масканда ҳар хил даволаш муолажаларидан ташқари маданий тадбирлардан ҳам завқ оляпмиз. Ўтган куни концерт қўйиб беришганди. Бугун эса саёҳатга бордик. – Бухоронинг Шофиркон туманиданман, – дейди Намоз Элибоев. – «Қарши» санаторийси ҳақида илиқ гапларни эшитиб, шу ерда дам олишни ихтиёр қилдим. Кўркам ва файзли, обод ва озода жой экан. Биз билан суҳбатда шахрисабзлик ўқитувчи Гулсара Жумаева кўп йиллик педагогик фаолиятдан сўнг дам олиш эҳтиёжи туғилгани, қандли диабет билан хасталангани боис анчагина толиққани, санаторийга келиб кўрсатилган эътибор ва сифатли муолажалар ҳамда ходимларнинг ҳаётбахш меҳридан анча саломатлиги тикланганини айтиб ўтди. Бухоронинг Жондор туманидан келган Шому-

род Бобокулов ошпазларнинг маҳоратига, пандалигига, парҳезбоп ва танни қувватлантирадиган таомлар тайёрлашига урғу берган бўлса, Сурхоннинг Ангоридан келиб дам олган байналмилал жангчи Ваид Худойкулов соғломлаштирувчи жисмоний тарбия машқлари ва кутубхона ҳақида илиқ фикрларни билдирди. Қарши туманидан келган Салим Болтаев эса замонавий диагностика жиҳозлари ва самарали физиотерапик муолажалардан соғлиги тикланганини эътироф этди. Санаторий ҳудудига барпо этилган «Оталар чойхонаси» ва «Истироҳат боғи»да мириқиб ҳордиқ чиқарганини қўшимча қилди. Бош шифокор Рўзиқул Хўжаевнинг эътироф этишича, кексалар ва ногиронлиги бор фуқароларни янада кўпроқ соғломлаштириш мақсадида ушбу минтақавий сиҳатгоҳни кенгайтириш, ўринлар сонини кўпайтириш ҳаракатлари бошланган экан. Бунинг учун тегишли ташкилотларга мурожаат қилинган. Бу масканда дам олиб, соғлиғини тиклаётган нуронийларнинг нурли дуоларида шукроналик ва эзгу тилаклар мужасам эди.

Акмал АБДИЕВ «ISHONCH»



Сирдарё вилояти

Тарғибот

Тушунчалар бойиди

Сирдарё вилояти драма театри мажлислар залида ўтказилган семинар-тренингда қатнашганлар Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституцияси мазмун-моҳияти билан яна бир карра танишдилар.



Тадбирда Бош Қомусимизнинг айрим моддаларининг мазмунини кўриб чиқилди, шарҳланди. Шу билан бирга, янги Меҳнат Кодексига кўра, ходимни дам олиш кунлари ишга жалб қилиш, меҳнат таътили бериш, рағбатлантирувчи хусусиятга эга тўловлар, қай ҳолатларда меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкинлиги ва яна бошқа кўплаб масалалар бўйича тушунчага эга бўлинди. Маданият ва спорт бошқармаси тизимидаги ташкилотлар, инсон ресурсларини ривожлантириш ва кадрлар билан ишлаш бўлимлари масъул ходимлари, касаба уюшма фаоллари иштирокидаги семинарни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши меҳнат-ҳуқуқ инспектори Ширинхон Умаралиева олиб борди. Шахло УСМОНОВА, Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти бирлашган ташкилоти масъул ходими

Фарғона вилояти

Фестиваль


БЕШ ТАШАББУС – ОРОМГОҲДА!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши томонидан «Жумо» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Беш ташаббус – оромгоҳда!» шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши раисининг ўринбосари Орзигул Қозихонова, бўлим мудири Ғанишер Пайзиев ҳамда оромгоҳ раҳбари София Михел оромгоҳларда ёш авлодни маънавий баркамол инсон қилиб тарбиялаш, вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш, уларнинг санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш бўйича бешта муҳим ташаббус доирасида ўтказилаётган туркум тадбирлар ёшларнинг истеъодларини юзга чиқаришда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлашди. Маънавий-маърифий тадбир доирасида ташкил этилган стол тенниси, шашка, компьютер саводхонлиги, моҳир тикувчи, ёш расом мусобақалари ҳамда китобхонлик викторинасида ёшлар фаол иштирок этиб, ғолиблик учун ўз истеъодларини намойиш этдилар. Яқунда ғолибликни қўлга киритган ёшларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Шохсўлтон ТЎХТАМАТОВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



«Twitter» «Meta»ни судга бермоқчи



Мультимиллиардер Илон Маскка тегишли Twitter микроблоглар хизмати Facebook ва Instagramнинг бош компанияси Meta корпорациясини Twitter рақобатчиси – Threadsни ишга туширгани учун судга бериш билан таҳдид қилмоқда. Бу ҳақда 6 июль куни Semafor интернет портали Twitter манфаатларини ҳимоя қилувчи адвокат Алекс Спиронинг Meta асосчиси Марк Цукербергга йўлаган хатига таяниб хабар берди. Мактубда адвокат Meta Маск компаниясининг «тижорат сирлари ва бошқа ўта нозик маълумотларига» кириш имконига эга бўлган бир қанча собиқ Twitter ходимларини ишга олганини даъво қилади. Айтилишича, бу ходимлардан Twitter билан рақобатлаша оладиган нусха кўчириш иловасини яратишда мақсадли фойдаланилган. Threads ижтимоий тармоғи Meta томонидан 6 июлга ўтар кечаси 100 га яқин мамлакатда ишга туширилди. Twitter каби, у қисқа матнли хабарларни юбориш имконини беради. Цукербергнинг сўзларига кўра, илова бир неча соат ичида 30 миллион марта юклаб олинган. Бугунги кунга қадар Threads Twitterнинг энг яқин рақобатчиси ҳисобланади, чунки у жуда кўп сонли Instagram фойдаланувчи аккаунтларининг маълумотлар базасидан фойдаланиши мумкин. Европа Иттифоқида ижтимоий тармоқ ҳали ишламаяпти.

Қариялар уйи алангада

Италиянинг Милан шаҳридаги қариялар уйида рўй берган ёнғин олти кишининг ўлимига сабаб бўлди, 120 нафардан зиёд қария жароҳат олган, деб хабар тарқатди «Corriera della Sera» газетаси. Офат ярим тунда бошланган. Хабарда айтилишича, 81 киши касалхонага ётқизилган, уларнинг уч нафари оғир аҳволда. Яна 40 нафар киши ёнғин оқибатида заҳарланган. Бахтсиз ҳодиса сабаби ҳали номатълум, ҳозирча «тасодиқ» фарази илгари сурляпти. Кексалар уйи 1920 йил қурилган уч қаватли бинода жойлашган бўлиб, 210 ўринга мўлжалланган. «Repubblica» наشري ёзишича, муассаса 12 бўлимдан иборат бўлиб, учта бўлинмага Альцгеймер билан хасталанганлар жойлаштирилган.



Оламда

«OceanGate Expeditions»

Атлантика океанида ҳалокатга учраган «Титан» сувости кемасига эгалик қилувчи «OceanGate Expeditions» компанияси фаолиятини тўхтатганини маълум қилди. Қайд этиш жоизки, шу йилнинг 19 июнь куни бортида беш киши бўлган «Титан» батискафи «Титаник» кемасининг Атлантика океанида ғарқ бўлган жойида экспедиция вақтида ғойиб бўлган эди. 22 июнь куни АҚШ қирғоқ хавфсизлиги қидирув гуруҳи аъзолари батискаф бўлаклари топилгани ҳақида хабар берди. Уларнинг ҳолати сувости кемасида ич-

карига йўналтирилган портлаш содир бўлганини кўрсатди. Тахминларга кўра, унинг бортидаги одамлар бир зумда ҳалок бўлган. «Титаник» 1912 йил 15 апрелда Саутхэмптондан Нью-Йоркка кетаётганда айсберг билан тўқнашиб, чўкиб кетган. Ҳодиса оқибатида 1,5 мингга яқин одам ҳалок бўлган эди. OceanGate компанияси «Титаник» кемаси ғарқ бўлган ҳудудга экспедиция уюштириш билан шуғулланган. Сувости туристлари кема қолдиқларини томоша қилиш учун 250 минг долларга чипта сотиб олишган.



Навоий  
вилояти

Ҳуқуқ

# Адолатнинг илдиизига болта уриб бўлмайди!

Ёхуд баъзи амалдорларнинг ноҳақ иш юритиши туфайли ишдан бўшатишган мактаб директори ўз вазифасига тиклангани ҳақида

Шу кунларда учқудуқлик муаллима Омоной Азимқулова касаб уюшмалари фаолиятдан мамнун бўлиб яшамокда. Негаки, унинг маҳаллий раҳбарлар эшитмаган арз-додини Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши раиси ҳамда ҳуқуқшуноси диққат билан тингладилар. Алқисса, айрим буйруқбоз тўраларнинг манманлиги, ноҳолис иш юритган судьяларнинг лоқайдлигидан пешонаси ғурра бўлган бу аёлнинг шикоят асосида Олий судга мурожаат қилишни лозим топдилар.

Омоной Азимқулова аслида бой тажрибага ва катта ҳурматга эга устоз сифатида анчадан буён Учқудуқ туманидаги 4-умумтаълим мактабига директорлик қилиб келаётган. Нимадир бўлди-ю, туман ҳокими 2022 йил 12 сентябрда вилоят халқ таълими бошқармасининг собиқ раҳбари Марат Шамуратовга хат йўллаб, Омоной Азимқулова ҳамда унинг раҳбарлигида ишлаётган баъзи ўқитувчиларга интизомий жазо чорасини қўллаш зарурлигини ўқтирди. Бунга жавобан Марат Шамуратов ўша пайтларда Омоной Азимқулова меҳнат таътилида эканлигини, келгусида унинг фаолиятини ўрганиб, бу ҳақда ҳокимга маълумотнома жўнатишини маълум қилди. Аммо бу хабар ҳокимнинг ҳовурини босмади. Шу боис ўша йили 28 октябрда бошқарма бошлиғи номига иккинчи бор хат жўнатиб, яна Омоной Азимқуловани жазолашни сўради.

Шундан сўнг директорнинг бошида ёнғоқ чақишлар бошланиб кетди. Марат Шамуратов 7 ноябрда уни ҳузурига чақириб, кучли босим ўтказди ва ишдан бўшаши ҳақида ариза ёздириб олди. Шу куннинг ўзида у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқни ҳам имзолади.

Бошқарма раҳбарининг адолатсизлиги туфайли чорасиз қолган Омоной Азимқулова ҳуқуқлари топталаётганини, ишдан

асоссиз бўшатилишини баён этиб, фуқаролик ишлари бўйича Учқудуқ тумани судига мурожаат қилди. Бироқ суд 2023 йил 23 январда унинг аризасини кўриб чиқиб, талабларини қаноатлантиришни рад этди. Шунда ҳам тушунлиқка тушмай, вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ишни холисона кўришига умид боғлади. Афсуски, аксарият ҳолларда қўйи судлар қарорларини маъқуллашга одатланган вилоят суди валломатлари 2023 йил 15 мартда учқудуқлик ҳамкасблари қарорини ўзгаришсиз қолдириш юзасидан ажрим чиқаришди.

Сирасини айтганда, туман ҳокимининг иккита хати билан халқ таълими соҳасининг туман ва вилоят бўйича масъуллари ҳам, қўйи ва юқори босқич судлар судьялари ҳам Омоной Азимқулованинг кўп йиллик меҳнатларини бир пулга чиқариб, қадр-қимматини шамолга совуришди. Устига-устак, унинг арз-додига бир неча ой давомида ҳеч ким қўлоқ солмади. Гўёки ҳақ-ноҳақлигидан қатъий назар, ҳоким ёки халқ таълими бошқармаси бошлиғи нима деса, шу бўлиши керак, адолатсизликка учраганлар эса, тақдирга тан бериб, ҳар қандай жабр-ситамларга чидашлари шарт. Яхшиямки, ҳоким директорни фақат интизомий жазога тортишни сўраган экан, мабодо, уни узок мuddатга қамаб юборишни буюрганида борми, ғорат тегирмони бир зумда ишга тушиб кетиши аниқ эди.

Албатта, бундай машмашаларнинг айнан таълим тизимида, устозлар ҳамжиҳатлиги таъминланиши лозим саналган давлат ташкилотига содир бўлгани жуда ачинарли ҳол. Бу, ўз навбатида, ушбу тизимда муаммолар жуда кўплигидан, баъзи мансабдорларнинг виждонини могор босганидан далолат беради.

Табийки, кучли руҳий босим ўтказиш, ишдан бўшаш ҳақида мажбурий равишда ариза ёздириб олиш, йиллар давомида эришган обрўсини тўкиш Омоной Азимқулованинг асабларини қақшатиб, ҳақиқатга ишончини сўндира бошлади. Ана шундай қалтис бир вазиятда Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кен -

гаши раиси Назира Тоғаева ҳамда ҳуқуқшунос Тоштемир Тойлоқовнинг «Биз сизнинг ҳуқуқларингиз тикланиши тарафдоримиз», деган гапини эшитиб, қалбида яна умид учқунлари ниш урди.

Алалхусус, ушбу масала юзасидан Олий судга кассация шикояти юборилди. Кўп ўтмай, ҳақиқат қарор топди. Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати жорий йилнинг 15 июнида видеоконференц алоқа тартибиде ўтказган очиқ суд мажлисида қўйи судларнинг ҳал қилув қарори ва ажримни бекор қилинди. Федерациянинг Навоий вилояти кенгаши Омоной Азимқулова манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича киритган даъво аризаси қаноатлантирилди, аниқроғи, уни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ ғайриқонуний эканлиги тасдиқланди. Шунга кўра, Омоной Азимқулова фойдасига вилоят халқ таълими бошқармаси ҳисобидан мажбурий ишсиз юрган кунлари учун 48 миллион 625 минг 794 сўмлик иш ҳақи ҳамда 7 миллион сўм миқдорда маънавий зарар ундирилмаган бўлди.


Таълим тизимида юз бераётган бу каби можаролар бошқа вилоят ва туманларда ҳам учрайди. Олий суд ажримлари ва юқори турувчи бошқа идоралар аралашуви билан ҳақиқат юзага чиққанига ҳам кўп гувоҳ бўлганмиз. Аммо бизни бир нарсга ажаблантиради. У ҳам бўлса, адолат қарор топгач, ғайриқонуний буйруқлар чиқарган, жабрланувчиларга босим ўтказган, мансабидан фойдаланиб ишдан бўшашга мажбур қилган амалдорларга нисбатан кўпинча ҳеч қандай чора кўрилмайди. Ҳолбуки, аслида улар ҳам қилмишларига яраша «насибаси»ни олишлари зарур. Ана шундагина мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш ботқоғига ботиб кетганлар, бироз бўлса-да, ҳушёр тортиб, кўзларини очиллари, зиммаларидаги масъулиятни ҳис этган ҳолда иш юритишлари мумкин.

Нормурод МУСОМОВ,  
«ISHONCH»



## Бугун...

фаолиятини тўхтатди



## Тишни ўстирадиган дори

Япониялик олимлар томонидан инновацион дори ишлаб чиқилди. У инсонларга учинчи тиш тўпламини ўстиришга имкон беради. Бир йилдан кейин клиник синовларни бошлаш режалаштирилмоқда.

Япониялик олимлар одамларга янги тиш ўстириш имконини берувчи янги дори яратишда муваффақиятга эришди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, одам учинчи тиш тўплами учун зарур бўлган ҳамма нарсага эга, аммо бу жараён маълум бир оқсил томонидан блокланади.

Нашрнинг таъкидлашича, препарат сичқонлар устида ўтказилган аввалги тажрибаларда самарали бўлиб, «учинчи авлод» тишларининг ўсишига ёрдам берган.

Препаратни инсон фойдаланиши учун тайёрлаш ишлари аллақачон олиб боришмоқда. Аввало, дори туғма омиллар туфайли катталар тишларининг тўлиқ тўпламини йўқотган беморларга мўлжалланган. Бу «аден-



тия» деб аталади.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, келажакда препарат кенгроқ қўлланилиши мумкин.

Препаратнинг клиник синовлари 2024 йилнинг июль ойига режалаштирилган. Улар дорини 2030 йилгача умумий фойдаланиш учун чиқаришни режалаштиришмоқда.

## Канада ўрмонларида ёнғин

Канада ўрмонларида ҳозир юз бераётган ёнғин ушбу мамлакат тарихидаги энг хавфлиси бўлиши мумкин. Бу ҳақда фавқулодда вазиятларга тайёргарликни таъминлаш вазири Уильям Блэр журналистлар учун уюштирилган брифингга маълум қилди. «Шуниси маълумки, 2023 йил Канада тарихидаги энг ёмон ўрмон ёнғини мавсуми кузатилади», деган у.

Мулозимнинг табиий офат билан боғлиқ вазият бўйича июль-август ойлари учун башорати ҳам хавотирли: «Прогноз шуни кўрсатмоқдаки, кейинги икки ой ҳам ёнғин фаоллиги кучли бўлади. Мамлакатнинг аксарият ҳудудида қуруқ об-ҳаво, юқори ҳарорат туфайли ёнғин пайдо бўлиш хавфи сақланиб қолмоқда».

Вазирнинг айтишича, айни пайтда қайд этилган 648 та фаол ёнғин ўчоғининг 339 таси ҳозирча назоратга олинмаган. Ёнғин жами 8,8 миллион гектар ҳудудни қулга айлантирди, 4,5 мингдан зиёд одам уй-жойини тарк этди. Аҳолининг бир қисми шахсий турар-жойидан бутунлай айрилган.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



Таассуф

Суднинг «қора курси»сига ўтирган аёл ва эркакка ҳукм ўқилди. Оқибатда, аёлнинг турмуш ўртоғи иснодга чиқолмай, уни уч фарзанди билан ота уйига ҳайдади. Айбланувчи эркак эса, аёлга шерик бўлгани учун боши эгилиб, афсус ва надоматда қолди...

Наргиза Исмоилова (исм ва фамилиялар ўзгартирилган) масъул идорада ишларди. Кунларнинг бирида унга сектор масъулларидан бири кўнғироқ қилиб, сайёр қабулда иштирок этган бир аёлни унинг ёнига юборишини, унга иш топишда ёрдам беришини сўради.

– Туман тиббиёт бирлашмасига ҳамшира бўлиб ишга жойлашмоқчи эдим. Илтимос, ёрдам берсангиз, – деди мурожаат билан келган аёл унга.

– У ерда ҳозир бўш иш ўрни йўқ-да, – деди Наргиза. Шу он миясига келган бир фикрдан тўлқинланиб, дарҳол давом этди: – Аммо у ерда юқори лавозимда ишловчи шифокор яқин танишим бўлади. Фақат уни «рози» қилсангиз бўлди, муаммонингиз ечилди, деверинг. Мен қанчалигини билиб, сизга айтман.

Мурожаатчи аёл бу гапдан севиниб, уйига жўнади. Эртаси куни эса Наргиза гўё «у тараф» билан гаплашиб қўйгандек, аёлнинг телефонида «3 миллион сўм бўлади» дея смс йўлади. Улар кўнғироқлашиб, туш пайтида кўришишни келишиб олишди.

Кўришгач, биргаллашиб тиббиёт бирлашмаси раҳбари ўринбосарининг қабулига киришди. Ўринбосар ишга жойлашиш учун зарур ҳужжатлар кераклигини тушунтирди. Кўчага чиқишгач, ҳолроқ жойда Наргиза уни саволга тутди:

– Хўш, сўралган пулни олиб келдингизми? – Биласизми?... – чайналди мурожаатчи аёл. – Пулни топгандим. Лекин ярмини эрим ишлатиб қўйибди. Илтимос, уч-тўрт кун сабр қилинг. Яхлит олиб келаман...

– Майли, кечиктирманг. Бу ўринга ишга кирувчилар кўп, – деди Наргиза ҳам чўрт кесиб.

Орадан икки кун ўтди. Бу вақт ичиде у мурожаатчига тез-тез кўнғироқ қилиб, ваъда қилинган пулни эслатиб турди. Ниҳоят, у аёл пул тайёрлигини айтиб, Наргизани учрашув жойига чақирди. Хурсанд бўлиб йўлга чиққан Наргиза ҳар эҳтимолга қарши қўшниси Н.Ғуломовга кўнғироқ қилиб, уни ҳам бу ишга жалб қилди. Яъни Н.Ғуломовнинг бу «операция»даги вазифаси – Тиббиёт бирлашмаси раҳбари ролини ўйнаб бериши, бир ҳафта ичиде ишга жойлашгани тўғрисида буйруқ чиқарилишига фуқарони ишонтириши лозим эди.

Шундай қилиб, Наргиза мурожаатчи аёл билан Янгийўл туманидаги бир тўйхона олдиде учрашишди. Аёл айтилган пулни унинг қўлига тутқазди.

– Аниқ ишга жойлашаманми? – деди ишонқи-

рамай. – Ҳозир раҳбарлардан бири билан гаплаштиринг, ишонч ҳосил қилай.

Олдиндан тил бириктирган танишига кўнғироқ қилган Наргиза телефонни мурожаатчига берди. «Раҳбар»дан таскин берувчи жавобни эшитгач, мурожаатчи аёл кетди.

Пуллари қўлга кириптиб, ортига қайтаётган Наргиза йўлдаёқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар томонидан қўлга олинди...

Мазкур иш бўйича бўлиб ўтган суд мажлисида ҳар иккала айбланувчи ҳам ўз қилмишларига иқдор бўлди. Уларга нисбатан тегишли жазолар тайинланди.

Ҳа, жиноятга жазо – муқаррар. У хоҳ аёл бўлсин, хоҳ эркак, қилмиши учун қонун олдиде жавоб беришга мажбур. Шу ўринда масаланинг бошқа томонига ҳам тўхталмоқчимиз. Хўш, бу аёл нима учун жиноятга қўл урди? Суд ҳукмида унинг турмуш шароитини яхшилаш ва қарзларидан қутулиш мақсадида шундай қилгани баён қилинган.

Бу аёлнинг қандай муаммолари бор эди, нотўғри йўлни танлаганидан кимдир бохабар бўлганми? Ёки турмуш ўртоғи билан дўстона алоқалари йўқимидики, у ўз аёлининг муаммоларидан бе-хабар бўлса? Хуллас, саволлар бисёр.

Бировни айблаш осон. Лекин шу ҳолатнинг келиб чиқишига нималар сабаб бўлди? Мана шу саволга жавоб бериш ҳам осон кечмайди. Сабаби, ҳар бир ишда лоқайдлик бор экан, бу каби ҳолатларнинг урчишига йўл очилган бўлаверадими.

Биз аёл яшовчи ҳудуд маҳалла фаоли билан боғланган жазо мuddатини ўтамоқда, у ишсиз ва ҳамон уч нафар фарзанди билан ота ҳовлисиде яшаб келмоқда. Маҳалла фаоли, шунингдек, ҳозирда ушбу оилани сақлаб қолиш бўйича барча чоралар кўриляётганини таъкидлади.

Жиноят қилган аёлни оқламоқчи эмасмиз. Фирибгарлик, пора олиш ва бериш – ноқонуний иш. Унга жазо тайин.

Сўнгги сўзимиз айтар ҳулосамиз шуки, маҳалла идораларида фаолият юритаётган хотин-қизлар бўйича маслаҳатчилар, ҳудуд фаоллари оилалардаги вазиятларга янада эътиборлироқ бўлишса, хотин-қизлар муаммоларидан ўз вақтида бохабар бўлишса, келгусида бу каби ҳолатларнинг олди олинган бўлармиди?

Дониёр АЗИМОВ,

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Қўйи Чирчиқ тумани суди судьяси,

Ҳолида ЭТАМБЕРДИЕВА,  
«ISHONCH» муҳбири

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаб уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши Тошкент автомобиль йўллари техникуми директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор

Жасур Рафиқович  
ҚУЛМУҲАМЕДОВ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

# БЎЙЛАРИНГДАН, ВОҲ, АКАНГ...

Қосим пиён шеър ёзиш дардига чалинибди. Кечаги тўйда «Битта эшитайлик», десам, «Озгина илҳом етишмаяпти», деб таранг қилди.

– Манови «юзта»ни захрингга ютиб олгин-да, шеърингни бошла! – десам, яна ўзини тарозига солди яра-мас.

– Ака, биззи шеърларни бунақа катта ўтиришларда ўқиб бўлмайди. Ҳали қайтишда ўзингизга ўқиб бера-ман, – деди.

– Нега ўқиб бўлмайди, ўқи, мен жавоб бераман!

– Айрим жойларида жуда ҳаддан ошириб айниб юборганимиз-да...

– Айниган жойингни ўқимай, «Бўйларингдан!» деб ке-тавер, ўзимиз тушуниб олаверамиз, – дедим. У «Майли», деб шеърини ўқиди:

**«Бўйларингдан, бўйларингдан, бўйларингдан, оҳ!  
Бўйларингдан, бўйларингдан, бўйларингдан, воҳ...».**

Саид АНВАР

## «БИТМАС-ТУГАНМАС ХАЗИНА»

– Алло, Сўфихон Сирлиевич! Ассалому алайкум! Танияпсизми, бу мен – Луққаюпман... Нима, шамолладингизми, овозингиз ўзгариб қолпти.

Акаҳон, ишлар беш! Бир машина гиштни «туя» қилиб, соққасини, ўзингиз айтгандай, кон-вертта солиб, кеннойимга топширдим... Алло, эшитаяпсизми? Ҳа, энди, акаҳон, биринчи марта эмас-ку. Эсингиздами, бундан уч ой бурун эллик куб тахтани ҳам ютиб юборганмиз...

«Ёрилмадингми!» дейсизми?... Ҳазилингиз курсин... Бизнинг ичимиз фор... Эшитаяпсизми? Бу қурилиш деганлари битмас-туганмас ҳазина экан, ҳар қанча ўмарганингиз билан туби кўринмайди. Нима?... Ҳа, энди, Сўфихон Сирлиевич, сиздек елкадошимиз бўлгач, ҳеч нарса-дан кўркмаймиз-да. Сиз «гўшт» бўлсангиз, биз – тери! Машойихлар айтишган-ку, эт билан тери бир нарса деб. Сиз кўлингизни чўзсангиз, биз ҳам чўзиламиз-да. Алло!..

Сўфихон Сирлиевич, ёнингизда ҳеч ким йўқми? Телефонда бу гапни... Ҳа, майли, айта-ман, кўшни трест бошлиғи Боқижонни қулатишибди... Э-э, хавотирланманг, бизни қимир-лата олишмайди. Эшитаяпсизми, Сўфихон Сирлиевич? Алло, алло...

Нима? Терисини шилишди... Сўфихон Сирлиевичини-я?! Қачон? Алло, ким бу ўзи? Пуф-пуф...

Илҳом ЗОЙИРОВ



Хандалар

## МАҲБУС ОТАСИНИ УЯТГА ҚЎЙГАН ЗУМРАША

Дўконга ёш, чиройли қиз кириб келди ва со-тувчидан сўради:

- Манави газлама қанча туради?
- Қиммат эмас, бир метри – бир ўпич.
- Ростданам унчалик қиммат эмас экан, – деди қиз. – Мен саккиз метр оламан. Мана, менинг ад-дрессим. Матонинг ҳақини бувимдан оласиз.

\*\*\*

Гул сотувчи аёл йўлдан бир қиз билан бирга ўтиб кетаётган йигитга деди:

- Яхши йигит, севгилингизга гул совға қилмайсизми?
- Биз аллақачон турмуш қурганмиз, – деди йигит бамайлихотир оҳангдан.

\*\*\*

– Иккита саволга 50 марка сўраяпсиз, бу жуда қиммат эмасми? – ажабланди адвокатлар идо-расидаги хизмат ҳақини эшитган йигит.

- Бу саволингизга ҳам жавоб олмоқчи бўлсангиз, яна 25 марка тўлайсиз, – деди ад-вокат.

\*\*\*

Ўрта яшар киши тирбанд автобусга чиқди. Бир маҳал кимдир чўнтагидан соатини суғуриб ола бошлади. У ўғри-нинг қўлидан маҳкам ушлади-да, истехзо билан деди:

- Агар вақтни билмоқчи бўлсангиз, чўнта-гимга қўл тикиб, овора бўлгандан кўра, ўзимдан сўраб қўя қолмайсизми?

\*\*\*

Маҳбус турмуш ўртоғидан келган хатни ўқиб, оғир уҳ тортиди:

- Нега хўрсиняпсиз? Хотинингиз нималарни ёзибди? – сўради шериги.
- Зумраша ўғлим юқори синфга ўтолмай, оиламизни жуда уятга қўйибди.

\*\*\*

- Хўш, бугун дарсда ҳеч кимга ҳалақит берма-дингми, ўғлим?
- Йўқ! Чунки машғулот пайти мен даҳлизда турдим.

# ЎЗ НАРХИДА СОТИЛГАН ТЎН

**XIII-XIV асрда яшаган шоир ва ҳажвчи  
Убайд ЗАКОНИЙ бисотидан**

• Бадбашара бир савдогар ойнадаги ўз ак-сига қараб, «Худойим, мени шунчалик бино қўйиб яратганинга минг қатла шукур», деб ўтир-ган экан, бу гапни уйни йиғиштираётган хизмат-кор эшитиб қолибди. У ишини битириб, ташқа-рига чиққанда кимдир «Хўжайининг уйда нима қилаяпти?» деб сўраган экан, «Ойнага қараб, Ху-дога ёлгон гапларни айтиб ўтирибди», дебди.

• Бир содда болакай хумга қараб, ўз аксини кўрибди-ю, «Ойи, хумнинг ичига ўғри кириб олибди», дея бақирибди. Ойиси югуриб келиб, хумга қарабди ва ёқасини ушлаб, «Хой, болам, ўғрининг ёнида бир ёсуман кампир ҳам ўти-рибди!» дебди.

• Ўғирланган тўнни бозорга олиб бораётган йигитни йўлда қароқчи урибди. У ортига қайтач, шериклари тўнни қанчага сотганини сўрашган экан, сир бой бермай «Ўз нархида», дебди.

## Ўғим

# УЧ БУЮК ТАБИИ

Оғир дардга чалиниб, тўшакка михланиб қолган машхур табиб шогирдларига шундай насиҳат қилди:

– Мени даволаш учун беҳуда уринманг, ўлимим ақинга ўхшайди. Вафот этсам, қаттиқ қайғуриб, оҳ-воҳ чек-манг. Ўрнимга учта буюк табиб қолдириб кетяпман. Уларнинг маслаҳатига барчангиз амал қилинг ва бошқа-ларни ҳам шунга унданг!

– Устоз, сиз айтган учта зўр табиб кимлар? – сўрашди шогирдлари.

Табиб нигоҳини улардан узмай, босиқлик билан жавоб қайтарди:

– Биринчиси – поклик, иккинчиси – парҳез, учинчиси бадантарбия-дир. Зеро, доимо пок-озода бўлиш, ўз вақтида ва меъёрида овқатла-ниш, ичкиликдан тийилиш, тана аъзоларини ҳаракатсиз қолдирмай, бадантарбия билан шуғулланиш соғлиқни асраб-авайлашнинг энг муҳим шартларидир.

## Хажвиялар

## Хикматлар

# АРАСТУ ҲАКИМ ДЕЙДИ...

• **Тўғрилиқ учун қурбон бўлиш ёлғончи бўлиб узоқ умр кўришдан кўра хайрлидир.**

- Кўр одам ва кўзи соғ одам бир қудуқ ичига йиқилиб тушсалар, бахт-сизликда ҳар иккаласи баб-баравар-дир. Лекин кўр одамни айблаб бўл-майди, чунки у кўр бўлгани учун бу фалокатга учради. Шу сабабдан ҳар ким унга ачинади, уни айбламайди. Лекин кўзи очиқ одамни ҳамма айблайдди, эҳтиётсизлиги туфайли қу-дуқ ичига йиқилиб тушгани учун уни масхара қилиб кулади. Шу сабабли соғлом кўзга эга инсонлар шукур қи-либ, ҳар бир ишда эҳтиёткорона ҳара-кат қилишлари лозим.
- **Маишатида кифоя этарлик давлатга эга киши ундан ортиқ-часини талаб қилмасин, акс ҳолда, бениҳоя қайғу-аламларга гириф-тор бўлади.**
- Улуглиқка эришиш жуда қийин, аммо хасислик, пасткашликка тушиш жуда осондир.

## Хикматлар

## Хикматлар

# АРАСТУ ҲАКИМ ДЕЙДИ...

• **Тўғрилиқ учун қурбон бўлиш ёлғончи бўлиб узоқ умр кўришдан кўра хайрлидир.**

- Кўр одам ва кўзи соғ одам бир қудуқ ичига йиқилиб тушсалар, бахт-сизликда ҳар иккаласи баб-баравар-дир. Лекин кўр одамни айблаб бўл-майди, чунки у кўр бўлгани учун бу фалокатга учради. Шу сабабдан ҳар ким унга ачинади, уни айбламайди. Лекин кўзи очиқ одамни ҳамма айблайдди, эҳтиётсизлиги туфайли қу-дуқ ичига йиқилиб тушгани учун уни масхара қилиб кулади. Шу сабабли соғлом кўзга эга инсонлар шукур қи-либ, ҳар бир ишда эҳтиёткорона ҳара-кат қилишлари лозим.
- **Маишатида кифоя этарлик давлатга эга киши ундан ортиқ-часини талаб қилмасин, акс ҳолда, бениҳоя қайғу-аламларга гириф-тор бўлади.**
- Улуглиқка эришиш жуда қийин, аммо хасислик, пасткашликка тушиш жуда осондир.

## Хикматлар

## Хикматлар

# АРАСТУ ҲАКИМ ДЕЙДИ...

• **Тўғрилиқ учун қурбон бўлиш ёлғончи бўлиб узоқ умр кўришдан кўра хайрлидир.**

- Кўр одам ва кўзи соғ одам бир қудуқ ичига йиқилиб тушсалар, бахт-сизликда ҳар иккаласи баб-баравар-дир. Лекин кўр одамни айблаб бўл-майди, чунки у кўр бўлгани учун бу фалокатга учради. Шу сабабдан ҳар ким унга ачинади, уни айбламайди. Лекин кўзи очиқ одамни ҳамма айблайдди, эҳтиётсизлиги туфайли қу-дуқ ичига йиқилиб тушгани учун уни масхара қилиб кулади. Шу сабабли соғлом кўзга эга инсонлар шукур қи-либ, ҳар бир ишда эҳтиёткорона ҳара-кат қилишлари лозим.
- **Маишатида кифоя этарлик давлатга эга киши ундан ортиқ-часини талаб қилмасин, акс ҳолда, бениҳоя қайғу-аламларга гириф-тор бўлади.**
- Улуглиқка эришиш жуда қийин, аммо хасислик, пасткашликка тушиш жуда осондир.

## Хикматлар

## Хикматлар

# АРАСТУ ҲАКИМ ДЕЙДИ...

• **Тўғрилиқ учун қурбон бўлиш ёлғончи бўлиб узоқ умр кўришдан кўра хайрлидир.**

- Кўр одам ва кўзи соғ одам бир қудуқ ичига йиқилиб тушсалар, бахт-сизликда ҳар иккаласи баб-баравар-дир. Лекин кўр одамни айблаб бўл-майди, чунки у кўр бўлгани учун бу фалокатга учради. Шу сабабдан ҳар ким унга ачинади, уни айбламайди. Лекин кўзи очиқ одамни ҳамма айблайдди, эҳтиётсизлиги туфайли қу-дуқ ичига йиқилиб тушгани учун уни масхара қилиб кулади. Шу сабабли соғлом кўзга эга инсонлар шукур қи-либ, ҳар бир ишда эҳтиёткорона ҳара-кат қилишлари лозим.
- **Маишатида кифоя этарлик давлатга эга киши ундан ортиқ-часини талаб қилмасин, акс ҳолда, бениҳоя қайғу-аламларга гириф-тор бўлади.**
- Улуглиқка эришиш жуда қийин, аммо хасислик, пасткашликка тушиш жуда осондир.

## Хикматлар

## Хикматлар

# АРАСТУ ҲАКИМ ДЕЙДИ...

• **Тўғрилиқ учун қурбон бўлиш ёлғончи бўлиб узоқ умр кўришдан кўра хайрлидир.**

- Кўр одам ва кўзи соғ одам бир қудуқ ичига йиқилиб тушсалар, бахт-сизликда ҳар иккаласи баб-баравар-дир. Лекин кўр одамни айблаб бўл-майди, чунки у кўр бўлгани учун бу фалокатга учради. Шу сабабдан ҳар ким унга ачинади, уни айбламайди. Лекин кўзи очиқ одамни ҳамма айблайдди, эҳтиётсизлиги туфайли қу-дуқ ичига йиқилиб тушгани учун уни масхара қилиб кулади. Шу сабабли соғлом кўзга эга инсонлар шукур қи-либ, ҳар бир ишда эҳтиёткорона ҳара-кат қилишлари лозим.
- **Маишатида кифоя этарлик давлатга эга киши ундан ортиқ-часини талаб қилмасин, акс ҳолда, бениҳоя қайғу-аламларга гириф-тор бўлади.**
- Улуглиқка эришиш жуда қийин, аммо хасислик, пасткашликка тушиш жуда осондир.

## «РОБОТ»НИ ЯРАТГАН ЁЗУВЧИ

«Робот» сўзини чех ёзувчиси Карел Чапек муомалага кирит-ган. У пьесасидаги одамсифат механизмларни дастлаб «ла-бор» (*лотинчада – иш*), деб атайди. Аммо бу сўз ўзига ёқ-майди. Кейин укаси Йозефнинг маслаҳати билан уни «ро-бот» деб ўзгартиради. Ушбу атамага асос бўлган «робота» сўзи чех тилида шунчаки ишни эмас, ниҳоятда заҳ-матли меҳнатни билдиради.

## АЁЛЛАРДАГИ ХОЛЛАР АЛОМАТИ

- Агар аёл кишининг холи кўзи атрофида бўлса, у бойлик рамзи ҳи-собланади. Юзининг ўнг тарафи-даги хол унинг севги ўтида ёни-шини, чап томондагиси муваф-фақият йўлида озор чекишини англатади.
- Лаб учидаги хол аёлнинг нозик табиатлигини, лаб остидагиси эса муҳаббат бо-бида мағрурлигини билдиради.
- Билақдаги хол аёлнинг омадли эканлигидан, кўли-дагиси эса унинг учун бахт ва бойлик сари йўл очилишдан далолат беради.

## ҚОРАҚАЛПОҚ ЛАТИФАЛАРИ

Умрбек дўсти билан ошхонага кирди. Иккиси энди тухум ейишни бошлаганди, биттасининг ичидан жўжа чиқиб қолди. Уртоғи кўрққанидан бақириб юборди:

- Умрбек, Умрбек, тухумнинг ичидан жўжа чиқди!
- Бақирма, ошпаз эшитиб қолса, унга ҳам пул сўрайди, – огоҳлантирди Умрбек.

\*\*\*

Умрбек чўпонлик қиларди. Бир куни фермага текширувчилар келиб, ундан сўрашди:

- Бу йил молларнинг қайси зотини кўпайтирасизлар?
- Умрбек узоқ ўйлаб ўтирмай:
- Буниси энди бошлиғимизнинг иштаҳасига боғлиқ, – деди.

Қорақалпоқчадан  
Ёрқул УМАРОВ таржимаси

## Машхурлар ҳаётидан

# ЭНГ ҚИСҚА ЁЗИШМА

Виктор Гюго 1862 йили таътилда бўлган чоғи ўзининг яқиндагина чоп этилган «Хўрланганлар» романига китобхонларнинг муносабатини билгиси келади ва но-ширига фақат «?» (*сўроқ*) тиниш белгисидан иборат телеграмма жўнатади. Ношир ҳам жавоб тариқасида битта «!» (*ундов*) белгисидан иборат телеграмма йўллайди. Шубҳа-сиз, бу тарихдаги энг қисқа ёзишма эди.

## ДОВЮРАК РАССОМНИНГ ЖАВОБИ

Уруш йиллари Францияни ҳам босиб олган фашистлар машхур рассом, асл келиб чиқиши испан бўл-ган Пабло Пикассонинг устахонасига тез-тез кириб туришарди. Мусаввир уларга ўзининг битта асаридан олинган фотонусхани «Эсдалик учун» дея имзо қўйиб, туҳфа этаверарди. Унда фашистлар яксон қилган Ис-панидаги бир қилшқоқ тасвирланганди. Қунлардан бир куни устахонага гестапо агенти кириб келади ва сум-касидадан ўша фотонусхани олиб, жаҳл билан сўрайди:

- Бу сизнинг ишингизми?
- Йўқ, бу сизларнинг ишингиз! – деб дадил жавоб беради рассом.

## «ОХАНГАРОН» НЕ САБАБ «АНГРЕН»ГА АЙЛАНДИ?

Тошкент вилояти таркибидаги бу шахар минтақамизда катта аҳамиятга эга кўмир ва энергетика саноати маркази саналади. Пойтах-тимиздан юз чақиримча нарида – Охангарон дарёси бўйида жойлашган. Уни шимоли-ғарб-дан Чотқол тизмаси, жануби-шарқдан Қурама тоғ тизмалари ўраб туради. Бу ҳудудлар эса Охангарон водийсига киради.

Тарихий манбаларга қараганда, ўрта аср-ларда воҳада аҳоли зич яшаган ҳамда темир-чилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган. Шунга кўра, уларни «охангарон», яъни «те-мирчилар» дейишган. Ўз навбатида, водийни ва уни кесиб ўтувчи дарёни ҳам, 1929 йили ташкил топган туманни, унинг 1962 йили шахар мақомини олган марказини, турли даврда барпо этилган сув омбори, цемент, шифер за-водлари ва бошқа бир нечта корхонага ҳам шундай нисбат беришган.

«Ангрен» эса «Охангарон» атамасининг бу-зилган русча шаклидир. Инчунин, ўтган аср-нинг 40-90-йилларида ўша атрофда очилган кўмир кони, янгидан қад ростлаган шахар, кетма-кет қурилган иссиқлик электр станция-лари, рангли металллар заводи, олтинни бойи-тиш фабрикаси, бинокорлик ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга ҳам шу ном берилган. «Ангрен» сўзи шахарнинг ўзбек ва рус тилларида чиққан газеталари но-мида ҳам учрайди.

## Таажжуб!

Саҳифани Абдунаби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

## Мазали

## Мазали

# ФАВҚУЛОДА ЙИҒИЛИШ

– Хурматли думдошлар! Ҳозир мавжуд ўн икки йил-лик Мучал аждолатсиз тузилган. Унда ҳатто анави товуқмия ту-хумбосарлар ҳам бору лекин биз, яъни олий насабли тул-киларга жой ажра-тилмаган. Бу жамоа-мизга нисбатан ўта ҳурматсизликдир. Ҳолбуки, бизнинг йи-лимизда туғилганлар ўз ишларига ҳар то-монлама пишиқ бў-лишади. Бу, айниқса, ҳозирги бозор иқти-содийети шароитида жуда асқатади. Зеро, ён-атрофга боқсан-гиз, тулки табиатли-лар тобора кўпай-моқда. Бас, шун-дай экан, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларимиз учун курашмоғимиз шарт!

Йиғилишда қа-бул қилинган қа-рорга асосан тулки-лар жаноб Шерга мактуб йўл-лашди. Унда Му-чалдаги товуқлар ўрнини тулкиларга олиб бериш ёки ўн учинчи Мучал йи-лини очиш талаби илгари сурил-ганди.

Ғафур ЭШМУРДОВ

## MYACCIS:

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetaları tahrir hay'ati:

Quadrattilla RAFIQOV (*tahrir hay'ati raisi*),  
Ulug'bek JALMENOVI,  
Anvar ABDUMUXTOROV,  
Sayfullo AHMEDOV,  
Akmal SAIDOV,  
Ravshan BEDILOV,  
Qutlimurot SOBIROV,  
Suhrob RAFIQOV,  
Shoqosim SHOISLOMOV,  
Hamidulla PIRIMQULOV,  
Nodira G'OYIBNAZAROVA,  
Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),  
Mehrididdin SHUKUROV (*Mas'ul kotib – «Ishonch»*),  
Valentina MARSENYAK (*Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»*)

Bosh muharrir  
Husan ERMATOV

Bo'limlar:  
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43  
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:  
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31  
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02  
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28  
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32  
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44  
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir  
A. Abdurahmonov

Musahhif  
D. Xudoyberganova

Sahifalovchi  
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 22:20  
Topshirildi – 22:40

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:  
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami:  
2021 0000 0004 3052 7001,  
ATIB «Ipoteka bank»  
Yashnobod filiali,  
bank kodi: 00959,  
STIR: 201133889,  
OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq.  
Buyurtma G-713  
Nashr ko'rsatkichi: 133  
1 2 3 4 5 6

Umumiy adadi 30372  
14042 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.  
Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.